



КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШДА КАСБИЙ МАЪЛУМОТНИНГ ЎРНИ

Н.Жабборов

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети
курсанти

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.8237710>

ARTICLE INFO

Received: 05th August 2023

Accepted: 10th August 2023

Online: 11th August 2023

KEY WORDS

Касб, касб танлаш, касбга
йўналтириш, касбий
маълумот, маълумот,
касбий тарбия, касбий
маълумотлилик, касбий
тарғибот, касбий
ташвиқот, касбий
маълумотли дарс, касбий
маълумотли суҳбат, касбга
йўналтирувчи стендлар,
профессографик учрашув.

ABSTRACT

Мақолада касбий маълумот тушунчасининг мазмуни илмий манбалар асосида очиб берилган. Шунингдек, касбий маълумотни беришнинг мазмуни, шакл, воситалари очиб берилган. Айниқса, касбий маълумот доирасида ўтказиладиган тадбирлар тизими ишлаб чиқилган ҳамда амалиётга татбиқ этиш йўналишлари кўрсатилган.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган таълим сиёсатининг муҳим мақсадларидан бири ёш авлодни ҳар томонлама баркамол инсонлар қилиб тарбиялашдир. Албатта, баркамол инсон деганда маънавий жиҳатдан етук ўз ватанининг тарихи, бугуни ва келажак учун қайғурадиган, шунингдек, жамиятнинг иқтисодий тараққиётига ўз ҳиссасини қўшиш иштиёқида ёниб яшайдиган шахсни тушуниш бугунги кун талабларига мос келади. Лекин ушбу тушунчага таҳлилий ёндошса, унинг нақадар серқирра ва ҳар томонлама умуминсоний қадриятларга мос келишини идрок этиш мумкин.

Маълумки, ҳар қандай шахс касб танлаш жараёнида мазкур соҳага тааллуқли маълумотлар заҳирасига эга бўлиши талаб қилинади. Бу жараён албатта, касбга йўналтириш ишлари негизида ташкил қилинади ва амалга оширилади. Айниқса ёшларни касбий билим, тасаввурарини бойитишда онгли касб танлашларида касбий маълумотнинг ўрни беқиёсдир.

Шу ўрнида психологик адабиётларда касбий маълумот тушунчасига берилган таърифларга тўхталиб ўтамиз. Касбий маълумот- касблар ва касбий танлов ҳақидаги билимларни шакллантиришга қаратилган махсус ташкил этилган жараёндир. Касбий маълумот касбга хос аҳамиятли қизиқиш ва мотивларни шакллантиришга имконият беради. У шунингдек, фаолиятнинг турли кўринишларига бўлган мойилликлари ва



қобилиятларини ривожлантиришнинг муҳим шарты ҳисобланади [1,с 86]. Касбий маълумот-фуқароларнинг меҳнат бозоридаги ҳолатини ривожланиши, касбларнинг хусусиятлари, шахсга қўйиладиган талаблар, меҳнат шароитлари ҳамда режими шунингдек, маълум корхоналар ҳақидаги маълумотлар билан оммавий ва индивидуал таъминланганлиги билан белгиланади [3,с 105]. Касбий маълумот-бу ёшларда турли хил касбларнинг мазмуни ҳақида умумий тасаввурларни, кадрларни тайёрлаш шакллари ва шароитлари, турли хил касб ёки мутахассислик томонидан инсонга қўйиладиган талаблар ҳақидаги тасаввурларни шакллантириш жараёни. Касбий маълумот-ўқувчиларни касблар дунёси билан тўлиқ ва ҳар томонлама танишишини таъминлайди. Ўқувчиларнинг касб танлаш жараёнида унинг танловини талаблари, ижтимоий-иқтисодий, психологик, тиббий физиологик томонларини биладилар, бу эса ўз навбатида касбий танловга тайёргарликни белгилаб беради. Касбий маълумотнинг асосий вазифаси барча меҳнат фаолияти турларига нисбатан меҳр-муҳаббатни тарбиялаш ҳамда мамлакатнинг халқ хўжалиги эҳтиёжлари билан танишиш. Касбий маълумот-ёшларга касбий жиҳатдан ўзини ўзи англаш жараёни билан боғлиқ билимларни бериш лозим, шу билан бирга шахс хусусиятлари ҳамда касбий фаолиятнинг инсонга қўядиган талаблари ўртасидаги ўзаро алоқасидир. Касбий маълумот билан таъминлаш жараёнида ўқувчиларга касблар ва мутахассисликлар дунёси, касбий меҳнат мазмуни, моддий ва ижтимоий муҳит шарт-шароитлари, иш ҳақи, меҳнат ва дам олиш режими, маълум бир мутахассислик бўйича ўқиш муддати ва шакли ҳақида билимлар берилади [2,с 134].

Касблар ҳақидаги маълумот беришни икки босқичи ажратиб кўрсатилади яъни микро маълумот ва макро маълумот. Биринчи босқичга аниқ ҳаётий вазиятларга боғлиқ бўлмаган умумий характердаги маълумотлар жамламасини қамраб олса, иккинчисига аниқлаштирилган билимлар заҳираси киради.

Шу тариқа касбий маълумотлилик шахс томонидан катта доирадаги билимларни ўзлаштиришни тақазо этади. Бу билимларнинг манбаи реал инсонлар оммавий ахборот воситалари, ўзининг ҳаётий тажрибаси ва бошқа шахсларнинг касбий фаолиятлари намуна бўлиши мумкин. Шунингдек, касбий доирадаги маслаҳатчи нафақат керакли маълумотларни тайёр ҳолда тақдим этиши ёки мижозга маълумотларни ўзи топишига ундаши мумкин. У мавжуд билимларни тизимлаштиришга ҳамда бир-бирига қарама-қарши маълумотларни тушунишга ёрдам бериши мумкин.

Маълумот –касбга йўналтириш фаолиятининг асосий жиҳати сифатида касбий тарбия, касбий маълумот, касбий тарғибот ва касбий ташвиқот каби тизимларни қамраб олади.

Касбий тарбия-бу психологик-педагогик тадбирлар жамламаси бўлиб, ўқувчилардаги касбга яроқлилик асосида ётувчи шахсий сифатларни шакллантиришга йўналтиридган. Масалан, касбий йўналганлик, маълумотлилик, интизомлилик, меҳнатга ижобий муносабат ва бошқалар.

Касбий маълумотлилик-бу ёшлар томонидан ижтимоий-иқтисодий, психологик ва онгли касб танлаш шартлари билан уйғунлашган тадбирлар тизими. Касбий



маълумотлилик-меҳнат фаолиятининг маълум бир соҳаси учун зарур бўлган махсус билим, амалий кўникма, малака ва одатлар тизимидир.

Касбий тарғибот-бу касбий маълумотга асосланган тадқиқотлар тизими бўлиб, касбга муносабатни шакллантириш ёки коррекция қилишига мўлжалланган.

Касбий ташвиқот-бу ғоявий психологик-педагогик таъсирлар воситасидир. Ёшлар уларнинг ота-оналари ва бошқа гуруҳларда касбий, ахлоқий ва бошқа сифатларини шакллантириш мақсадида улар онги ва кайфиятига таъсир этишдир.

Агар касбий маълумот алоҳида ўқув муассасаси доирасида амалга оширилса ва шахсий йўналтирувчи характерда бўлса, унда мазкур жараёни олдинги касбий диагностикадан аввал ўтказиш мақсадга мувофиқ [5,с 96].

Таъкидлаш жоизки, касбий маълумотлиликда касбий мулоқот ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Айнан ўқувчи шахси касблар ҳақидаги билим, кўникма, малакаларни мулоқот жараёнида амалга оширадilar. Бунинг учун эса касбга йўналтириш жараёнида касбий мулоқотдан самарали ва унумли фойдаланишни тақазо этади. Шу боис, касбий мулоқот доирасида амалга ошириладиган фаолият йўналишларига тўхталиб ўтамиз.

Касбий маълумотли дарс. Ташкил этилиши ва таркибига боғлиқ ҳолда ишнинг бу шакли турли хилдаги вазифаларни ҳал қилиш имконини беради. Хусусан, ўқувчиларни танлаган касбларини ўрганиш ва танлашга нисбатан қизиқишни фаоллаштириш, онгли касб танлашга масъулиятлилик ва фаол муносабатларни тарбиялаш, касбий фаолият мотивацияси таркибини аниқлаш ва шакллантириш ва бошқалар.

Касбий маълумотли суҳбат. Суҳбат дарсдан фарқли равишда камроқ тузилиши жиҳатидан муаммоли йўналишининг камроқ характерга эгаллиги билан белгиланади. У ҳам гуруҳий ва индивидуал тартибда ўтказилиши мумкин.

Касбга йўналтирувчи стендлар касбий маълумот беришнинг анъанавий усуллари билан бири. Касбий ахборотли экскурсиялар у ўқувчиларда ишлаб чиқариш корхоналари, ташкилотлардаги маҳсулотни яратиш билан боғлиқ билимларни шакллантиради ҳамда мустақил ишлашни ўргатади.

Профессографик учрашув. Ёшларни турли касбларнинг намоёндалари билан давра суҳбатлари, учрашувлари ўқувчиларда тадқиқотчилик фаолиятини ошириш йўллари билан бири саналади.

Шунингдек, касблар таърифини тузиш бўйича тадқиқот ишини ташкил қилиш ва “касблар ярмаркасини” уюштириш каби касбий мулоқот мезонларидан саналади. Бу эса ўқувчиларнинг касбий маълумотлилик даражасини оширади ва бойитади [4,с 101].

Шу ўринда айтиш жоизки, касбий маълумотни ўқувчи шахсига қай тарзда бериш ҳамда айнан неча ёшдан бошлаб мазкур фаолиятни амалга ошириш барча учун қизиқарлидир. Хусусан, бу борада касбий маълумотлиликни турли ёш босқичларида қай тартибда берилишига қисқача тўхталиб ўтмоқчимиз. Унинг дастлабки бўғини сифатида мактабгача тарбия ёшидан бошланиб, ўспиринлик даври оралиғига давом этади.



Мактабгача тарбия ёши. Барчамизга маълумки, катта мактабгача тарбия ёшидаги болаларда касблар дунёси билан танишиш содир бўла бошлайди ва уларни болалар ролли ўйинлар жараёнида ўйнаб кўрадилар.

Кичик мактаб ёши. Мактабда касблар ҳақида маълумот олишнинг анъанавий усули меҳнат дарсидир.

Ўсмирлик даври мазкур ёш босқичида касб танлаш илк бора долзарб муаммога айланади.

Ўсмирлар ва ўспиринларнинг ота-оналари. Болалар ва ўсмирлар билан касбга йўналтириш ишларини ташкил этишда шуни инобатга олиш керакки, уларнинг танловларига ота-оналари асосий таъсир кўрсатади.

Айтиш жоизки, ўқувчилар бўлажак касблари доирасида маълумот олишнинг ўзига хос жиҳатлари билан танишадилар. Шунинг асносида бир жиҳат борки, у ҳам бўлса касбий маълумот билан таъминланганлик шакллари дир.

Касбий маълумот билан таъминланганлик шакллари – касбий ахборотга эгалик қилиш шундай йўлга қўйилиши керакки, бунда ўқувчилар касб ҳақида керакли билимларга эга бўлсинлар ҳамда кейинчалик шу билимлар касбий жиҳатдан ўзини ўзи аниқлаш чоғида асос бўлиб хизмат қилсин. Ўқувчилар томонидан исталган ахборотга хусусан, касбий йўналган характеридаги ахборотга эгалик маълум бир шартларга риоя қилингандагина самарали бўлади. Биринчидан ўқувчиларда касбий ахборотли материални идрок қилишга ижобий муносабатни шакллантириш лозим. Ўқувчилар учун таклиф этилаётган маълумотлар улар учун тушунарли бўлиши лозим. Маълумотли материал ҳам мазмунан ҳам шаклан ўқувчиларнинг ёш ва таълим олиш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда берилиши керак. Маълумотни беришда махсус терминалогия ёки технологик маълумотлар ҳаддан зиёд кўп бўлмаслиги маъқул, чунки у тушунарсиз бўлиб қолиши мумкин. Иккинчидан ўқувчиларда касбга нисбатан онгли адекват муносабатни шакллантириш учун ахборотни тўғри етказиш лозим. У нафақат тушунарли балки объектив бўлмоғи лозим.

Касбий маълумотни самарали амалга ошириш учун касбга йўналтирувчи психолог қуйидагиларга амал қилиши керак:

- 1) ҳудуднинг кадрларга бўлган ҳамда ишлаб чиқаришнинг келажакдаги ва ҳозирги кун талабларини билиш;
- 2) маълумотли материалларни замонавий тарзда тайёрлаш яъни ўқув қўлланмала, касбга йўналтириш вароқлари ва бошқалар.
- 3) касбий йўналганлик бўйича тавсия этиладиган адабиётлар рўйхатига эга бўлиш.

Касбий маълумотга эга бўлиш доирасида ўқувчилар билан қуйидаги тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир:

- меҳнат бозоридаги талаб ва таклифлар муносабати;
- фаолият турларининг келажакда ривожланиши;
- асосий касб ва мутахассисликлар бўйича ишлаш характери;
- меҳнат шароитлари ва иш ҳақи;
- мутахассис тайёрловчи муассасалари ва ходимларни тайёрлаш мараказлари[5,с 147].

Келтирилган маълумотлардан кўринадикки, ҳозирги кунда ёшларни онгли касб танлашга йўналтириш долзарб масалалардан ҳисобланади. Шу боис, нафақат ўқувчи



ёшларимизни балки уларга самарали таъсир этувчи педагоглар, ота-оналарни ҳам маълумотлар захирасидан хабардор қилиш лозим.

References:

1. Климов Е.А. Психология профессионального самоопределения. М.,2004.
2. Методологические и теоретические проблемы всеобщей профессиональной подготовки молодёжи. -- М., 1991.
3. Пряжникова Е.Ю., Пряжников Н.С. Профориентация. М.,2007.
4. Пряжникова Е.Ю. Технологии и методы профессиональной ориентации населения. М., 2001.
5. Чернявская А.П. Психологическое консультирование по профессиональной ориентации. М., 2001.